

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

ШАРТНОМА № 13477

Тошкент ш.

2022 йил “06” 04

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “GIDROSUV-INJINIRING” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ-000034-сонли лицензия асосида иш юритувчи директори Шарипова В.А, иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 1-апрелдаги 55657-сонли танлов натижасига кўра мазкур шартнома, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи ИЛ “Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Фаробий, Нурафшон, Сағбон, кўчаларида суғориш системалари ва сув чиқариш кудукларини қуриш ҳамда кўкаламзорлаштириш” (АРТ 1-2, геология ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда) объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Геология харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини ҳамда техник топшириқда кўрсатилган маълумотларни тақдим этган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нухада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (ҚҚС билан) 62 390 000 (Олтмиш икки миллион уч юз тўқсон минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш кун ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-илоvasида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инobatга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, тақлиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар

бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.


11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING
KOMPAНИYA” ДУК

Юридик манзили:

100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси,
16а-уй.



БАЖАРУВЧИ

“GIDROSUV-INJINIRING” MChJ

Manzil: Toshkent sh., Labzak ko'chasi 1a

Tel/faks: +99890-920-26-47

x/r: 20208000500758890001

Toshken shaxri «Ravnaq-bank» AJ

MFO: 00980 INN: 304806829

OKONX: 66000 OKED 71110

Ro'yhatdan o'tish kodi QQS 326050110556

Директор в.б.  Р.У. Кучкарров

Директор  В.А. Шарипова

“Тасдиқлайман”
Тошкент шаҳар ҳокимияти
“ЯБХ” ИК директори в.б.
Комиссия раиси
Р.У. Кучкаров



“06” 04 2022й.

Тошкент шаҳар

“Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Фаробий, Нурафшон, Сағбон, кўчаларида суғориш системалари ва сув чиқариш қудуқларини қуриш ҳамда кўкаламзорлаштириш”

**объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг
БАЁНИ**

Комиссия аъзолари:

- | | |
|-----------------|--|
| С. Сағдиев | -Бош муҳандис в.б. |
| Ш. Қодиров. | -БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи |
| Хамидов О. | -ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи |
| Турсунов З. | -Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади) |
| Абдусатторов П. | -БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси |
| Абдунабиев А. | -БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси |

КУН ТАРТИБИ

“Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Фаробий, Нурафшон, Сағбон, кўчаларида суғориш системалари ва сув чиқариш қудуқларини қуриш ҳамда кўкаламзорлаштириш” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р. Кучкаров, С. Сағдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, А. Абдунабиев)

Компания томонидан 2022 йил 17 март куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 55657 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “GIDROSUV INJINIRING” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб комиссия аъзолари фикр алмашган ҳолда:


ҚАРОР ҚИЛИНДИ:


1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.


Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 01 апрелдаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Фаробий, Нурафшон, Сағбон, кўчаларида суғориш системалари ва сув чиқариш қудуқларини қуриш ҳамда кўкаламзорлаштириш” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “GIDROSUV INJINIRING” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.


Комиссия аъзолари:


С. Сағдиев


Ш. Қодиров


О. Хамидов


П. Абдусатторов


А. Абдунабиев




Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИКнинг
Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 7 мартдаги 211-14-0-Q22-сонли қарори
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигиндан ажратилган бюджет сугудаси ҳисобидан
объектларнинг қуриш бўйича
2022 йилги МАНзилли РЎИХАТИ

08.03.2022

№	Объектлар номи ва қилини	Қуриш бўлими ва фойдаланиш шарафига	Объектнинг умумий қиймати (шарҳнома асосида) бўлиши, бўлиши, ҳалқонлиги.	01.01.22 й. ҳолатига объект ўзгариши (сўраш ҳисобидан) бўлиши, бўлиши, ҳалқонлиги.	01.01.23 й. ҳолатига объект ўзгариши (сўраш ҳисобидан) бўлиши, бўлиши, ҳалқонлиги.	01.01.23 й. ҳолатига объект ўзгариши (сўраш ҳисобидан) бўлиши, бўлиши, ҳалқонлиги.	01.01.23 й. ҳолатига объект ўзгариши (сўраш ҳисобидан) бўлиши, бўлиши, ҳалқонлиги.	01.01.23 й. ҳолатига объект ўзгариши (сўраш ҳисобидан) бўлиши, бўлиши, ҳалқонлиги.	2022 йил 9 ой вақтида қўйилган объектлар дивиденди				2022 йилда федерациянинг қўйилган объектлари				01.01.23 й. ҳолатига объект ўзгариши (сўраш ҳисобидан) бўлиши, бўлиши, ҳалқонлиги.	01.01.23 й. ҳолатига объект ўзгариши (сўраш ҳисобидан) бўлиши, бўлиши, ҳалқонлиги.	Экспресс таҳрир (таърир) таҳрири бўлиши ва сўраш бўлиши ҳисобидан	Таърир (таърир) таҳрири бўлиши ва сўраш бўлиши ҳисобидан	Таърир номи
									Жами капитал қўйилган объектлар	Қуриш -		Жами	Қуриш/қуриш	Даврий раъди	01.01.23 й. ҳолатига объект ўзгариши (сўраш ҳисобидан) бўлиши, бўлиши, ҳалқонлиги.	01.01.23 й. ҳолатига объект ўзгариши (сўраш ҳисобидан) бўлиши, бўлиши, ҳалқонлиги.					
										Жами	Жами										
1	Тошкент шаҳар, Мирзо Улughбек тумани, Дўрғон йўли, Мирзо Улughбек, Фирдавз ўрмонидан оғуриш объектлари ва оғуриш қўйилган объектлари	Қуриш	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	1 061,700	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	Тошкент шаҳар ҳокимининг 11.02.2022 й. 121-14-0-Q22-сонли қарори	Таърир	
2	Тошкент шаҳар, Мирзо Улughбек тумани, Дўрғон йўли, Мирзо Улughбек, Фирдавз ўрмонидан оғуриш объектлари ва оғуриш қўйилган объектлари	Қуриш	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	105 980	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	Тошкент шаҳар ҳокимининг 11.02.2022 й. 121-14-0-Q22-сонли қарори	Таърир	
3	Тошкент шаҳар, Мирзо Улughбек тумани, Ойбек, Янги Қўйил, Сулҳом, Қўйилган объектлари	Қуриш	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	89 510	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	Тошкент шаҳар ҳокимининг 11.02.2022 й. 121-14-0-Q22-сонли қарори	Таърир	
4	Тошкент шаҳар, Олмасор тумани, Фирдавз, Йўриқов, Сайид, Қўйилган объектлари ва оғуриш қўйилган объектлари	Қуриш	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	99 680	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	Тошкент шаҳар ҳокимининг 11.02.2022 й. 121-14-0-Q22-сонли қарори	Таърир	
5	Тошкент шаҳар, Серғали тумани, Янги Серғали, Йўриқов, Катта Ойбек 1 бўли, ТХМД, Қўйилган объектлари ва оғуриш қўйилган объектлари	Қуриш	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	79 960	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	Тошкент шаҳар ҳокимининг 11.02.2022 й. 121-14-0-Q22-сонли қарори	Таърир	
6	Тошкент шаҳар, Учташа тумани, Фирдавз, Ширин, Мақсуд, Шайхона, Қўйилган объектлари ва оғуриш қўйилган объектлари	Қуриш	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	118 200	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	Тошкент шаҳар ҳокимининг 11.02.2022 й. 121-14-0-Q22-сонли қарори	Таърир	
7	Тошкент шаҳар, Чинқор тумани, Қўйил, Йўриқов, Дўриқ, Дўриқ 2-ой, Дўриқ 5-ой, Қўйилган объектлари ва оғуриш қўйилган объектлари	Қуриш	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	77 440	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	Тошкент шаҳар ҳокимининг 11.02.2022 й. 121-14-0-Q22-сонли қарори	Таърир	

(нинг сўра)

№	Объектлар номи ва мазмуни	Қўрилган йили	Объектнинг умумий қиймати (шарҳнома асосида) юрчида, боғида, боғида, хўжалиқда.	01.01.22 й. қолган объект қиймати (боғида, боғида, хўжалиқда).	01.01.23 й. қолган объект қиймати (боғида, боғида, хўжалиқда).	01.01.24 й. қолган объект қиймати (боғида, боғида, хўжалиқда).	Жами шартли қўрилган объектларнинг қиймати	2022 йил учун шартли қўрилган объектларнинг шўжўчилиши			2022 йилда қўрилган объектларнинг топширилганлиги			01.01.23 й. қолган объект қиймати (боғида, боғида, хўжалиқда).	01.01.24 й. қолган объект қиймати (боғида, боғида, хўжалиқда).	Экспертлар қўрсатма расми ва саноли	Ташкилот номи	
								Қўрилган объектларнинг қиймати	Жами шартли қўрилган объектларнинг қиймати	Жами шартли қўрилган объектларнинг қиймати	Қўрилган объектларнинг қиймати	Ассетий фонд суммаси	01.01.23 й. қолган объект қиймати (боғида, боғида, хўжалиқда).					01.01.24 й. қолган объект қиймати (боғида, боғида, хўжалиқда).
1																		
8	Ташкилот шаҳар, Шайхонмурод тумани, Абди Абдулқайyum, Зўриқовулони, Нурдинов, Қўчоқ Девонка, Далиятўгон бўғида сўриштириш объектлари ва сў чиқариш қўрилган объектлар қўрилган объектларнинг ишири	2022 й					72.390										Ташкилот шаҳар хўжалиқнинг 11.02.2022 й. 121-140-О/22-сонли қарори	Тендер
9	Ташкилот шаҳар, Қўлловчи тумани, Дамир Теодор, Янгиландар, Янчи Юсуфовлар, Навоий, Абулқасим Қўлловчи бўғида сўриштириш объектлари ва сў чиқариш қўрилган объектларнинг ишири	2022 й					127.070										Ташкилот шаҳар хўжалиқнинг 11.02.2022 й. 121-140-О/22-сонли қарори	Тендер
10	Ташкилот шаҳар, Янгиқашар тумани, Шайхонмурод бўғида сўриштириш объектлари ва сў чиқариш қўрилган объектларнинг ишири	2022 й					72.080										Ташкилот шаҳар хўжалиқнинг 11.02.2022 й. 121-140-О/22-сонли қарори	Тендер
11	Ташкилот шаҳар, Янгиқашар тумани, Дўстлик, ТХАЙ, Янги қашар бўғида сўриштириш объектлари ва сў чиқариш қўрилган объектларнинг ишири	2022 й					56.350										Ташкилот шаҳар хўжалиқнинг 11.02.2022 й. 121-140-О/22-сонли қарори	Тендер
12	Ташкилот шаҳар, Янгиқашар тумани, Қўлловчи (Янгиқашар), Махсумовлар бўғида сўриштириш объектлари ва сў чиқариш қўрилган объектларнинг ишири	2022 й					71.590										Ташкилот шаҳар хўжалиқнинг 11.02.2022 й. 121-140-О/22-сонли қарори	Тендер



(Handwritten signature)

(Handwritten signature)